



Тошкент То'qqash Omi

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 8 (11.819)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



14 январь — Ватан ҳимоячилари кун

ЗАМОНАВИЙ ҲАРБИЙ БИЛИМ МАСКАНИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида замон талабларига жавоб берадиган миллий армияни шакллантириш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар самарасида Қуролли Кучларимизда жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳияти юқори, ҳарбий санъатни пухта эгаллаган йигитлар сафи кенгаймоқда. Бунга ҳарбий телекоммуникация йўналишидаги Тошкент академик лицейи жамоаси ҳам муносиб ҳисса қўшаётир.

Миллий байрамимиз — Ватан ҳимоячилари кунини кенг нишонлашга мазкур лицейда ҳам катта тайёргарлик кўрилмоқда. Миллий армиямиз сафларида Ватан ҳимоячиси бўлишни мақсад қилган ёшлар иштирокида байрам тадбирлари ташкил этилмоқда.

Айни пайтда мазкур лицейда 450 нафарга яқин ўқувчи таҳсил олмақда. Уларга ўттиздан ортиқ тажрибали педагог барча фанлар, йигирма икки сержант ва офицер ҳарбий соҳа бўйича таълим-тарбия бермоқда. Ўқувчиларнинг танлов асосида саралаб олинаётгани ўқув жараёни савиясини кўтаришда муҳим омил бўлаётир.

Лицейда ахборот технологиялари ва моделлаштириш услубларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг янги шакллари жорий этилмоқда. Ўқув-тарбия ишларида ёшларни ҳарбий касбга йўналтиришнинг самарали усуллари, илғор педагогик ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланилаётир. Ҳарбий қисмлар, сержантлар тайёрлаш мактаблари ва олий ҳарбий билим юрталари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ёшларнинг ҳарбий хизматга оид билимини янада бойитмоқда.

Бу ерда ўқувчиларнинг билим олиши билан бирга, спорт билан шуғулланиши, дам олиши, маданий-маърифий салоҳиятини ошириши учун барча зарур шарт-шароит яра-

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча талабларга жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукаммал, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга миллий армиямизни барпо этиш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бунинг самарасида бугун ҳарбий хизмат нафақат бурч, балки садоқат, матонат ва жасорат мактабига, том маънодаги шарафли ишга, миллий армиямиз юртимиз ҳудудий яхлитлиги ва халқимиз осойишталигининг ишончли кафолатига айланди.

Ифтихор

САДОҚАТ, МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ ТИМСОЛИ

2010 йил 12 январь кун пойтахтимизда
«Ватанга қасамёд» ҳайкали очилди.

Муддатли ҳарбий хизматга қақриш бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, сержантлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани, сафарбарлик-қақриув резерв хизматининг жорий этилгани миллий армиямиз қиёфаси ва мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартирди, жанговар тайёргарлигини юксалтирди. Айни пайтда Ватани ва халқи олдидаги бурчини ўтаётган йигитларнинг яшаш шароитини замон талаблари даражасига кўтариш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлаш масалаларига давлатимиз томонидан улкан эътибор қаратилмоқда. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга малакали тиббий хизмат

кўрсатишнинг самарали тизими шаклланди.

Қуролли Кучларимиздаги ўзгаришлар жараёнида армиядаги маънавий-ахлоқий муҳит тубдан яхшиланди, ҳарбийларнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги юксалиб бормоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, армиямизнинг кучига куч қўшадиган, вақти келганда, халқ қилувчи омилга айланган кудратли бир восита борки, унинг номи — ҳарбийларимизнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги, уларнинг бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши, энг муҳими, ким учун ва нима учун ҳарбий бурчини адо этаётганини чуқур англаши ва тушуниши демакдир.

(Давоми 2-бетда)

ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Йиғилишда комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифаларнинг, жумладан, 2010 йил учун белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, инновация ва инвестиция лойиҳаларининг ижроси, маҳаллий ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турларини ва экспортбон маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш масалалари муҳофиза қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлиси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган йиғилишдаги маърузаларида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш борасидаги вазифалар аниқлаб олинди.

2010 йилда комплекс бўйича жами 2 триллион 260,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Уси суръати 2009

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофиза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2010 йил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ҳамда 2011 йилдаги вазифаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йилга нисбатан 119,1 фоизни ташкил этди. Аҳолига 1 триллион 357,2 миллиард сўмлик (114,5 фоиз) пулли хизматлар кўрсатилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 413,5 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 194,9 фоизга бажарилди. Экспорт прогнози кўрсаткичлари 132,3 фоизни ташкил этди.

Йиғилишда соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида болалар спорт объектлари, мусика ва санъат мактаблари, сузиш ҳавзаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, спорт иншоотларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни ўқув адабиётлари, дарсликлар билан таъ-

минлашни янада яхшилаш, маънавий тарғибот, хорижий тилларни ва ахборот-коммуникация технологияларини ўргатиш борасидаги ишларни такомиллаштириш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимлик органларида ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишининг ҳолати, қозони тежаш ва ундан оқилона фойдаланишнинг аҳоли, «ZiyoNET» ахборот таълим порталини ахборот ва таълим ресурслари билан бойитиш тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган устувор вазифалар ижросини амалга ошириш юзасидан қўшимча чоратadbirlar белгилаб олинди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган анжуман «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ёшларнинг роли» мавзусига бағишланди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитасида «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва «Истеъдод» жамғармаси ҳамкорлигида «Устоз-шогирд» анъанаси: амалиёт, тажриба ва истиқбол» мавзусида амалий-услубий семинар ташкил этилди. Унда халқ таълими тизими раҳбарлари, илғор ўқитувчилар ва услубчилар иштирок этди.

● Қарши шаҳрида «Энг намунали милиция таянч пункти» бўрик- танловнинг Қашқадарё вилояти босқичга бўлиб ўтди. Республика Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари, «Маҳалла» жамғармаси каби қатор ташкилотлар томонидан уюштирилган ушбу тадбирда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида голиб чиққан 14 та милиция таянч пункти вакиллари қатнашди.

● «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Зангиота тумани бўлими «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими билан ҳамкорликда тумандаги ҳарбий қисмда «ОИТС ва соғлом турмуш тарзи» мавзусида суҳбат уюштирди.

● Навоий вилояти Нурота туманидаги Иззатилла Бобоқулов раҳбарлик қилаётган «Иззат» фермер ҳўжалиги жамоаси фаолиятини кенгайтириб нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги технологик линияни ишга таштирди. Саккизта қўшимча иш ўрни яратилган корхонада кунига бир тоннага яқин маҳсулот тайёрланиб, ҳудуддаги мактаблар ва болалар боғчаларига етказиб берилмоқда.

● Гурлан туманилик тадбиркор Қадимбой Матсафоев саъй-ҳаракати билан Сахтиён қишлоғида «Барҳаёт Турсунбой» хусусий корхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозир корхонада ойига 15 миллион сўмликдан зиёд ўн турдаги сифатли мебель жиҳозлари тайёрланмоқда.

ЖАҲОНДА

● Бельгияда давом этаётган иқтисодий инқироз боис мамлакат қироли Альберт II мавжуд қонунларда кўзда тутилмаган иш — бюджетга ўзгаришлар киритишга мажбур бўлди.

● АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида «Consumer Electronics Show (CES) — 2011» халқаро электроника кўргазмаси очилди. Унда Sony, Samsung, Toshiba, LG, Microsoft, Google, Verizon, Motorola каби уч мингга яқин компания иштирок этмоқда. Кўргазмада маънавий электроника, компьютер техникаси, мобил технологияларга оид кўплаб турдаги янги маҳсулотлар намойишга қўйилган.

● Кипр Туркиянинг Европа Иттифоқи-га кириши юзасидан барча саъй-ҳаракатларига тўсқинлик қилишини маълум қилди.

● Австралияда ўтган йили декабрь ойидан буён тинимсиз ёмғир ёғиши туфайли кучли сув тошқинлари давом этмоқда. Сўнгги маълумотларга кўра, тошқинлар давомида 80 нафар киши бедарак йўқолган. Кеча Тувумба шаҳри атиги уч соат ичида сув остида қолган. Ҳозирда сув тошқинлари Австралиянинг учинчи энг йирик шаҳри бўлмиш Брисбенга хавф туғдирмоқда.

● Швейцариянинг Цюрих шаҳрида ўтказилган тадбирда жаҳоннинг «Энг яхши футболчиси»га топширилаётган «Олтин тўп» совринининг 2010 йилдаги соҳибни маълум бўлди. Ўтказилган сўров якунларига кўра ушбу нуфузли совринга «Барселона» клуби ва Аргентина терма жамоасининг ҳўжумчиси Лионель Месси сазовор бўлди.

● Америка олимлари мамлакатнинг Атлантика океани билан туташган Чесапик бўғози қирғоқларида қарийб икки миллиондан ортиқ ўлган балиқларни ўрганишмоқда. Ҳозирча олимлар балиқлар атроф-муҳит ифлосланишидан жабр кўрган, деган тахминни илгари суришмоқда.

ҚИСКА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбарларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон тарихи Давлат музейида Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими ҳамкорлигида 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб «Мардлар қўриқлайди Ватанни» мавзусида тадбир ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Миробод туманидаги 328-мактабда таълим муассасалари раҳбарларининг иш фаолияти самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент ахборот технологиялари университетиде Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда талабалар, курсантлар иштирокида

ЗАМОНАВИЙ ҲАРБИЙ БИЛИМ МАСКАНИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Танлаган касбимни пухта эгаллаш учун хорижий тилларни ўрганишга ва кўл жанги бўйича мунтазам шуғулланишга ҳаракат қилаямман, — дейди Жавлон. — Мақсадим — олий ҳарбий билим юртида ўқиниш давом эттириб, миллий армиямизнинг етук офицери бўлиш.

Ёшларнинг келажақда ҳарбий касб эгаси бўлишга қизиқиши ва интилиши юқорилигини, саф тайёргарлиги машғулотидаги фаоллиги ва ҳарбийча тартиб-интизомга риоя этишини, шижоатини кўриб, миллий армиямиз эртаси ишончли кўлларида эканига амин бўласиз.

Лицей директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Ўринбой Бобоёровнинг айтишича, мазкур таълим даргоҳига умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирган ўқувчилар белгиланган тартибдаги синов ва танлов асосида қабул қилинади. Ўқувчиликка қабул қилиш ихтисослик фанлар — математика, физика, тарих, она тили ва адабиётдан тест синовлари ҳамда жисмоний тайёргарликни баҳолаш асосида амалга оширилади.

Тавқидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 17 февралда қабул қилинган «Ҳарбий академик лицейлар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан ҳарбий академик лицейлар битирувчиларига Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари ҳамда Давлат божхона кўмитаси тасарруфидоги олий таълим муассасаларига ўқишга киришида тест синовларига тўпланиши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 10 фоизи миқдорига кўшимча балл олиш имтиёзи берилди.

Бу ҳам давлатимиз томонидан ёшларни кўллаб-қувватлаш, ўзи меҳр кўйган касб бўйича таълим олиши учун кенг имкониятлар яратиш борасида кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодасидир.

Лицейни ўтган йили тамомлаган кўллаб ўқувчилар ана шу имтиёздан фойдаланган ҳолда юртимиздаги олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари сафига кўшилди. Мижоҳиддин Жалолов — улардан бири.

— Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультетида ўқишга киришимда берилган имтиёз, лицейда олган билимим ва спорт билан мунтазам шуғулланганим кўл келди, — дейди М.Жалолов ЎЗА муҳбирига. — Танлаган соҳам бўйича етук кадр бўлиб, келажақда мамлакатимиз истиқлоли, эл-юртимиз тинчлиги ва барқарорлигини янада мустаҳкамлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилишни ўзимнинг олий мақсадим деб биламан.

Холмурод САЛИМОВ

Айниқса, мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган йигитлар учун бу каби машғулотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Вазифаларига кўра улар малакали офицер ва сержантлардан ҳарб илмининг сир-асрорини пухта ўзлаштиришга, Ватанининг муносиб посбони бўлишга ҳаракат қилишяпти.

Артиллериячилар қисмида бўлганимизда ҳам назарий ва амалий машғулотларнинг юксак савияда ўтказилаётганига гувоҳ бўлдим. Батарея ва гуруҳ командирлари кўл остидаги ҳарбий хизматчиларнинг ҳар томонлама товланиб пухта билимга эга бўлиб, тажриба ва маҳоратлари юксалиши йўлида режадаги машғулотларни кўргазмали воситалар ёрдамида олиб боришмоқда.

— Ҳарбий хизматчиларга артиллерия сабоқларини мукаммал ўргатаёلمиз, — дейди дивизион командири офицер Фирдавс Умаров. — Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, етар-

Шу кунларда барча қисм ва бўлинмаларда ўқув йили машғулотлари кўтаринки суръатда давом этиб, ҳарбий хизматчилар соҳалари бўйича пухта билим олишга интилишяпти.

чилар батарея командирлари бошчилигида жанговар вазифани бажаришга тайёрланишмоқда. Командир томонидан офицер Руслан Шодиев батареяга топшириқ кўйилди. Унга кўра батарея шахсий таркиби денгиз сатҳидан 1200 метр баланглиқда жойлашган — ҳаракатдаги ва ҳаракат қилмаётган нишонларни яқсон қилиши лозим. Офицер гуруҳ ва тўп командирларини йиғиб, вазифани тушунтирди. Шундан сўнг гуруҳ командирлари билан биргалиқда нишон жойлашган ҳудудни харита асосида ўрнатиб чиқди ва керакли жойларга белги кўйди. Сержант Шерзод Раҳмонов бе-

бек Бахронов хизмати мобайнида ўзини ҳар томонлама кўрсатиб командирлар эътиборига тушган посбонлардан бири. У жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарликларда ҳам, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирларда ҳам ҳаммиша сафдошларига намуна бўлиб келмоқда. Мuddатли ҳарбий хизмат унинг қалбида ҳарбийликдек шарафли касбга ҳавас уйғотди. Шу боис келажақда олий ҳарбий билим юртига ўқишга кириб, офицер сифатида Куроли Кучларимиз сафарига фаолият юртишни ўз олдига мақсад қилиб кўйган. Мазкур машқад муваффақиятда ҳам унинг хиссаси катта. Шунингдек, оддий аскарлар — Эшбой Пирниёзов, Шерзод Раҳимжонов, Дилмурод Собиров, Бекзод Нуриддинов, Сойиб Ашуралиев, Жаҳонгир Раҳмонов, Жалолиддин Ражабовлар ҳам ўз вазифаларини пухта адо этиб, топшириқнинг сифатли бажарилишига муносиб хисса қўшдилар. Аскарларга офицерлар билан биргалиқда сержантлар тайёрлаш мактабларида ўқиб, асл профессионал сифатида шаклланаётган кичик командирлар — Фарҳод Ҳусейнов, Бекзод Саидмуровлар ҳам юқори савияда билим бериб келишмоқда.

Ха, жанговар шайлик, посбон маҳорати ва тажрибаси сарҳадларимиз тинчлигини ишончли кафолатлади. Буни чуқур ҳис этган тўпчилар шахсий таркиби машғулотларни юксак савияда ўтказиб бўлишга ҳам муваффақ бўлишга эришди. Аскарларга олишчи оддий аскар Файзулло Набижонов нишонга ўт очди. Нишон яқсон қилинди. Бу вазифани сержант Фарҳод Тожиев командирлигидаги тўпчилар гуруҳи аъло даражада бажаришди.

Ахбор ОЧИЛОВ, кичик сержант

Дала-ўқув машғулотида ЖАНГОВАР ШАЙЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАБ

ли моддий-ўқув негизга эгамиз. Шунингдек, машғулотларга тажрибали офицер ва сержантлар тайёрлаш мактабига ўқиб, билим ва малакасини ошириб қайтган кичик командирларни жалб қилганимиз, ҳарбий хизматчиларнинг соҳалари бўйича янада кўпроқ билимга, кўникмага эга бўлишларида бу муҳим аҳамият касб этаётди.


Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур ҳарбий қисм ўтган ўқув йили якуний синов натижаларига кўра, қўшин тури ўртасида илгор ҳарбий қисмлардан бири сифатида эътироф этилган. Бундан кўриниб турибдики, улар юқори тайёргарлик, маҳорат ва тажрибага эга. Шу кунларда ўтказилаётган дала-ўқув машғулоти мобайнида барча вазифаларни мукаммал бажаришиб, ҳар бир ҳарбий хизматчининг соҳа сир-асрорларидан янада кўпроқ билимга эга бўлишларига алоҳида эътибор қаратишган. Бу дала шароитида олиб борилаётган амалий машғулотларнинг юксак савияда ташкиллаштирилганидан ҳам кўриниб турибди.

Дала-ўқув машғулоти ўтказилаётган майдон. Бу майдон ҳарбий хизматчиларни ҳақиқий синовдан ўтказиб, уларнинг маҳоратини тоблайти, тажрибасини оширади. Офицер Ф.Умаров етакчилигидаги тўпчилар дивизиони ўқув йили режасидаги ҳамда йиғинга тайёргарлик жараёнидаги машғулотларни ўтказмоқда. Белгиланган ҳудудда ўз позицияларини эгаллаган ҳарбий хизмат-

рилган нишон бурчагини ва баланглигини аниқлаб, отишни бошқариш асосида ишлаётган офицер Шерали Алланазаровга маълумот берди. Гуруҳ командирининг буйруғи янгради:

— Нишон 54-65 бурчақда жойлашган. Мўлжал 350, даража 30-18, асосий йўналиш айланасидан унга 0-65, ўт оч! Буйруқ янграши биланоқ мўлжалга олувчи оддий аскар Файзулло Набижонов нишонга ўт очди. Нишон яқсон қилинди. Бу вазифани сержант Фарҳод Тожиев командирлигидаги тўпчилар гуруҳи аъло даражада бажаришди.

Тўпчилар гуруҳида ўқувчи вазифасида хизмат қилаётган оддий аскар Азиз-



КИНОИЖОДКОРЛАР АСКАРЛАР ҲУЗУРИДА

Миллий байрамимиз — Ватан ҳимоячилари кунни арафасида пойтахтимиздаги алоқачилар ҳарбий қисмида юртимиз киноижодкорларининг мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда «Ўзбеккино» миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган учрашувда Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа тизимини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Бунда ҳарбийларни ватанпарварлик, жасорат ва эл-юртимизга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган санъат асарлари, жумладан, кинофильмларнинг ўрни беқийс.

Юртимиз киноижодкорлари томонидан яратилган бадиий ва ҳужжатли фильмлар ёшларни ватанпарвар, мард ва жасур инсонлар этиб тарбиялашга, ҳарбий соҳага бўлган қизиқиш ва интилишини янада оширишга хизмат қилаётди.

Тадбир иштирокчилари ҳарбий қисмда аскарлар учун яратилган шарт-шароит билан танишдилар. Ҳарбийлар учун янги бадиий фильм намойиш этилди.

Бундай маданий-маърифий тадбирлар бошқа ҳарбий қисм ва ҳарбий билим юртиларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

(ЎЗА)

Ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқий билим ва маданиятини янада юксалтириш, онгу шуурини турли зарарли таъсирлардан асраб-авайлаш давлатимиз юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидандир.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида пойтахтимиздаги умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар коллежларида ўтказилган воёга етмаган ёшлар учун икки кунлик семинар-тренингларда бу жиҳатлар яна бир қарра ўз ифодасини топди. Мазкур тадбирларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуний мазмун-моҳияти ва аҳамияти ёшларга интерфаол усулларда тушунтирилди.

Тошкент меҳмонхона ҳўжалиги касб-хунар коллежиде бўлиб ўтган ана шундай тадбирга Ҳамза туманидаги воёга етмаган ўғил-қизлар, умумий ўрта таълим мактаблари ва коллеж ўқувчилари, ҳуқуқшунослар, психологлар, илгор ўқитувчилар ва маънавият тарғиботчилари тақлиф этилди.

Қонун ва ижро КЕЛАЖАК — ЁШЛАР ҚЎЛИДА

ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа зарур профилактик чора-тадбирлар бу борадаги ишлар самарадорлигини янада ошираётди. Усмиларнинг бўш вақтини тўғри ва мазмунли ташкил этиш юзасидан қатор ижтимоий лойиҳалар, семинар-тренинглар ва спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.

— Коллежимизда етти юз нафардан зиёд ўқувчи туризм ва меҳмонхона иши, бухгалтерия, ошпазлик каби йўналишлар бўйича таълим-тарбия олади, — дейди Тошкент меҳмонхона ҳўжалиги касб-хунар коллежи директорининг ўринбосари Гулнора Сиддиқова ЎЗА муҳбирига. — Ўқувчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, бўш вақтини умумли ташкил этишда амалиётчи психологлар, олимлар, маънавият тарғиботчилари, ҳуқуқшунос ва шифокорлар

иштирокидаги давра суҳбатлари ва мулоқотлар яхши самара бермоқда.

Пойтахтимиздаги 102-умумий ўрта таълим мактабига бўлиб ўтган «Келажак — ёшлар қўлида» мавзусидаги семинар-тренинг мазкур туманда истиқомат қилаётган икки юз нафардан ортиқ воёга етмаган ёшлар, илгор ўқитувчилар, маҳаллалар ва хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар тақлиф этилди.

Мазкур мактаб директори Махфират Асмованинг таъкидлашича, бу ерда йўлга қўйилган мактаб — маҳалла — оила ҳамкорлиги ҳар бир ёш билан унинг дунёқараши, интилиш ва қизиқиши, фель-атворидан келиб чиққан ҳолда алоҳида ёндашув асосида ишлаш, ўқувчиларни турли зарарли таъсирлардан ҳимоялаш, ҳуқуқий-мафкуравий имунитетини мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Семинар-тренинглар доирасида ўқувчилар ижодиёт марказлари тўғрақлари фаолиятига бағишланган бадиий кўргазмалар, спорт мусобақалари, концертлар, музейлар, театрлар, маънавият ва маърифат ишкорларини ҳамда Ёшлар ижод саройига сайёҳлар ташкил этилди.

Назозат УСМОНОВА

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ — 2010» танловига марҳамат!

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ҳаётимиз китобидан яна бир сурфа ортада қолди. 2010 йил эл-юртимиз, Ватанимиз учун ҳар жиҳатдан мазмунли, баракали ва омадли бўлди. Юртимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакатни янгилаш, иқтисодийетни модернизация қилиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида катта ютуқларга эришилди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ёшларни жисмонан ва маънан соғлом, давр талабига мос интеллектуал билим ва касбга эга бўлган замонавий инсонлар бўлиб воёга етишларини таъминлашга қаратилган салмоқли ва хайрли ишлар қилинди.

Халқимизнинг эришаётган бу ютуқлари, олижаноб мақсад ва саъй-ҳаракатларини кенг ёритишда оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган сиз, журналистларнинг хизматларингиз катта.

Азиз ҳамкасблар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни «Йилнинг энг фаол журналисти — 2010» танловига қатнашишга тақлиф этади. Танловга 2010 йилнинг 1 июнидан 2011 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет на-

шларида эълон қилинган материаллар, «фирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга тахририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимида орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргалиқда муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳаққидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши керак.

«Йилнинг энг фаол журналисти — 2010» танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказилаётган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар «Йилнинг энг фаол журналисти — 2010» танловига деб кўрсатилган ҳолда куйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар. Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87. E-mael. ijod@sarkor.uz

САДОҚАТ, МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ ТИМСОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ёш авлодни мард, жасур, матонатли, мустаҳкам иродали ва Ватанга садоқатли, ўз ҳаётини эл-юрт манфаати учун бахшида қилишга қодир ўғлонлар этиб тарбиялаш мақсадида Президентимиз ташаббуси ва ғояси билан пойтахтимизда Куроли Кучларимиз шарафига мухташам ҳайкал ўрнатилди.

Бу мажмуада азамат ўғлон давлатимиз тимсоли — байроғимизни кўзига тўтиб қилиб, Ватан ҳимояси учун, ота-боболаримиз хоки осойиш тоғланг кутлуг заминнинг ҳар қарич тупроғини асраш учун тайёрман, деб тиз чўкиб қасамдб қилаётгани ифода этилган. Унинг елкаси узра эса ана шу мард ва жасур ўғлонга оқ сўт берган, бағрида кўтариб воёга етказган, Ватан тимсоли — мунис ва мўътабар она ҳарбий хизматга отланган азиз фарзандига фотиҳа бериб, оқ йўл тиламоқда.

2010 йилнинг 12 январиде мазкур ҳайкалнинг очи-лишига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари Исрол Каримовнинг тақлифига биноан ўзида чуқур ҳаётий фалсафани, теран маъномазмунни муҷассам ва ифода этган бу муъазам ҳайкалга «Ватанга қасамдб» деб ном берилди.

Юртбошимиз бу бетакрор мажмуа эл-юрт ҳимоячиси бўлган фидоий инсонларга қўйилган ғўзал бадиий обиде эканини алоҳида таъкидлади: «Шаҳсан мен ушбу бадиий мажмуани ҳаёлимдан ўртказар эканман, ўзимни бамисоли Ватанимга, эл-юртимга қасамдб қилаётгандек ҳис қилдим. Уйлайманки, бугун мана шу майдонда турган ва эртага бу ерга зиёратга келадиган барча инсонлар ҳам шундай фикр, шундай ҳаёл билан бу ҳайкал пойида тиз чўкиб таъзим қилади».

Дарҳақиқат, қасамдб — халқимиз учун тил ва дил уйғунлигини, сўз ва амал бутунлигини, лафз ҳалоллигини аналтади. Шу маънода, Ватанга қасамдб — мамлакатимизнинг эртасини, ёрқин келажакни барпо қилиш йўлида ўз ҳаётини бахшида этаётган барча фидоий юртдошларимизнинг умуммиллий аҳдидир. Зеро, Ватанин ҳимоя қилиш, мардлик ва жасорат кўрсатиш фақат халқий майдонда эмас. Жавонмардлик кундалик ҳаётимиздан, халқимиз оғирини енгил қилишдан, ўз манфаатини эл-юрт равнақи билан уйғунлаштиришдан бошланади.

Ориятни, гурур ва садоқатни ҳамма нарсадан ус-тун кўядиган халқимиз учун ҳарбий қасамдб — шунчаки расмий тадбир эмас. Бу йигитлик шаъни, ору номусини ўртага қўйиб, ўз зиммасидаги масъулиятли ва шарафли бурчи адо этишга бел боғлаб, аҳду паймон қилиш маросими, садоқат, мардлик ва жасорат тантанасидир.

Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобиде ўз кучига ишонган, рухий дунёси, маънавий олами бақувват бўлган одам ҳар қандай оғир вазиятдан ёруғ юз билан чиқиб кета олишини таъкидлади: «Ирода — бу аслида мустаҳкам ишонч демекдир. Иродаси бақувват одам ўзига ишонади ва ҳар қандай мураккаб вазифани ҳам ўз зиммасига олишдан қўрқмайди».

Садоқат ва жасорат аввало эзгуликка бўлган ишончдан яралади. Ҳаётимиз осудалигини асраш наинки чегараларимиз дахлизлигини муҳофаза қилиш, айни пайтда ўзимиз танлаган йўл, миллий кадриятларимиз ва эзгу фазилатларимиз бардавонлигини таъминлашдир. «Ватанга қасамдб» ҳайкали ҳар бир юртдошимизга ана шундай эзгу ва ҳаётий сабоқлар беради. Шу Ватанда киндик қон тўкилган барча инсонни жамият равнақи учун дахл дор бўлишга ундайди.

Миллий байрамимиз — Ватан ҳимоячилари кунига катта тайёргарлик кўрилаётган қунончи ва шу қуҳли кунларда «Ватанга қасамдб» ҳайкал атрофи ҳар қачондиган ҳам ғажум. Мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар, олий ҳарбий билим юртлари курсантлари, юртдошларимиз ва хорижили меҳмонлар бу муъазам монументни зиёрат қила экан, унинг тимсолида жисмонан ва маънан етук эл-юртимизга садоқатли ва мард йигитларимизни кўргандек бўлади.

— Ўтган йили ушбу монумент олдида биринчи лардан бўлиб ҳарбий қасамдб қиларканмиз, халқи мизнинг ишончи бизга ҳаммиша мададкор бўлишига яна бир қарра амин бўлдим, — дейди пойтахт миздаги ҳарбий қисмлардан бирида йигитлик бўз чини ўтаётган оддий аскар Шўҳрат Мирзаев. — Е ҳайкал доим менга ўз аҳдимни, унга содиқ тури масъулиятини эслатади, эл-юртимизга муноси бўлишга ундайди.

«Ватанга қасамдб» ҳайкали олий ҳарбий били юртларидаги ўқув жараёнида, хусусан, курсантларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини юксалтириш да ўзига хос монументал дарслиқдир.

— Ёш авлодни мардлик ва матонат руҳида тарбиялашда бундай таъсирчан бадиий тимсолларнинг ўрни ва аҳамияти беқийс, — дейди Тошкент оли умумқўшин кўмондонлик билим юрти батальон кимандирининг ўринбосари, майор Мақсуд Ҳожие — Бугун ўқув муассасамиздаги кўллаб маънавий дарслари мазкур монумент олдида очик мулоқот таъзида ташкил этилмоқда. Бунинг самараси ўларо ҳарбийларимизда ватанпарварлик туйғуси, ўзи талаган соҳага бўлган қизиқиши ва интилиши янада кучаймоқда.

— Навоий шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйида табия тоғланган, — дейди Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртининг 3-босқич курсанти Фруз Назаров. — Президентимизнинг биз, ёшлар кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлигига жавобан салохиятчи офицер бўлиш, Ватанимиз ва халқимиз осудалигини асраш — биз учун улкан шараф. Ҳар ғал шу монументни кўрганимда қалбимиз шижоат тўл уради, куч-қувватим ошади, ироди ва қатъиятини янада мустаҳкамланади.

Ҳар томонлама ҳаётий асосга, катта тарбиявий аҳамиятга эга бу мухташам ҳайкал шу юртда уни-ўсган, унинг бугунги ва эртанги қунини ўйлаб яш-ётган ҳар қайси инсонни бир зум фикрлашга, ос-да, хотиржам ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етишга, унинг янада обод ва фаровон бўлиши уч ҳаракат қилишга, ўз ҳаётини аждодларимиздан лрос ор-номус асосига қуришга, садоқат ва жас-ратга ундайди.

Умид ЁҚУБ, ЎЗА шарҳловчи

Маънавият — ақс кўзгуси

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғона каби йирик шаҳарларда археологик қазилар натижасида жуда чиройли безалган кўза, лаган, коса каби кулолчилик буюмлари топилмоқда. Айниқса, Афросиёб харобаларидан чиққан X-XI асрларга оид идишлар кишини лол қолдиради.

Қадриятларимиз

ОЛИЙҲИММАТЛИК КАЛИТИ ИЛМДИР

Лаганларда жуда чиройли қилиб ишланган безалган араб алифбосининг эпиграфика усулида ёзилган битиклар бўлиб, «Сабр —шодлик калити», «Содик дўст бахт эмасми», «Барақа манбаи илмдир», «Олийҳимматлик калити илмдир» каби ҳикматли ва сермазмун фикрлар келтирилган. Бундай безалик идишлар хона тоқчасини безаш билан бир қаторда ўзига хос шижоҳ вазифини ҳам ўтаган. Уша даврларда халқ донишмандлари ўз фикрларини тарғиб қилишда бундай усуллардан ҳам фойдаланишган. Кулолларимиз оммани эзгуликка ундовчи, илмнинг қадр-қимматини ақс эттирувчи шижоҳларни омма орасида ёйишга муваффақ бўлганлар.

Тошкентда ҳам археологик қазилар натижасида қадимда ишланган коса топилган бўлиб, унинг ички қисмида исломий нақш заминда ҳумо қуши бадий образи тасвирланган. Бу билан кулол санъаткор ўз фикрини бадий образ орқали фойданга инсонларга қилган, яхшилик, бахт-саодат, фаровонлик йўлидаги оруз-умидларга эришларини ифодалаган.

Ўзбек миллий кулолчилик буюмларидан бири лагандир. Четлари бир оз кўтарилган, ликопчадан катта, куюк оқатлар, ҳўл мевалар солинмаган идишлар лаган дейилади. Лаганлар қадимдан ишлатиб келинаётган идиш турларидан бири бўлиб, уни кулолларимиз исломий, ғирх, эпиграфика усулида ёзилган ёзувлар, ҳар хил қуш, ҳайвонлар, ҳаттоки одам сурати билан безаганлар.

Лаган насиви рамзи бўлиб, у доира шаклида бўлгани учун оламни билдиради. Яъни инсон бу фойданга хоҳ шоҳ, хоҳ гадо бўлсин ўз насиви (ризиқ) билан туғилади. Ҳеч бир одам бошқа

бир инсоннинг ризқини тортиб ололмайд.

Ризқ ҳақида ота-боболаримиз шундай ривоят қиладилар:

«Бир вақтлар заиф бир балиқчи ов қилар экан, жуда кучли, катта балиқ қармоғига илинди. Уни тортиб олишга балиқчининг кучи етмас эди. Балиқ қармоғи тортиб кетди. Буни кўрган бошқа балиқчилар «Шундай балиқ илинган эди, қўлдан чиқардинг-а» — дедилар.

Балиқчи дўстларига: —Эй, дўстлар! У балиқ менинг ризқим бўлмаса, балиқнинг эса дунёда ризқи узилмаса, нима қилай? Унинг ҳали бу дунёда ёйишга оқватдан, ичишга сувдан ризқи бор экан! —деди».

Кулолларимиз лаганнинг безағиди балиқ тасвирини ишлаганлар. Балиқ хушрўлик ва ҳалол лўқма рамзи. Бу безак орқали инсонлар, бу дунёда хушрў бўлинг, ўз ризқларингизни топаётганингизда эҳтиёт бўлинг. Ахир ризқ икки хил бўлади. Бир халол, иккинчиси ҳаром. Сиз ҳалол ризқингиз билан кун кечиринг. Ҳаром ризқингиз оқибати ёмон бўлади, дейдилар.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, кулолчилик буюмлари амалда оқват ёки мева қўйиш учун ишлатилибгина қолмасдан, балки инсонларни тарбиялайди, руҳий озик ва фикр беради ҳамда даволайди. Ота-боболаримиз қолдирган маънавий меросимизни давом эттириб, инсон чукрорлик илмий ўрганайлик. Уларнинг тарбиявий қирраларини ҳам халқимизга етказайлик, айниқса, ёшларимизнинг маънавий дунёсини шакллантирайлик.

Мадина ПўЛТАОВА,
Тошкент Ислам университети
қошидаги академик лицейнинг
3-босқич талабаси.

Ҳаёт сабоқлари

ЯХШИЛИК МЕВАСИ

Орамизда шундай одамлар борки, улар ўзгаларга яхшилик қилиш, бошқалар оғирини енгиллаштириш учунгина туғилганга ўхшайдилар. Яхшилик қилиш эса ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди.

Самандар одати бўйича барвақт уйғониб бугун бажариши лозим бўлган ишларини режа-лаб олди. Мактаб таъмири бўйича оталиқ ташкилотга бориш керак, қандай жавоб оларкин? Шуни ўйлаб кўнгли бир оз хижил бўлди. Ҳозир ҳамма ҳам дарҳол ёрдамга қўл чўзавермайди. Дарров молиявий аҳволни рўқач қилади.

У мактаб томон йўл олди, мактабга келгач, кўзни яшнатувчи алвон рангли атиргуллар руҳига кўтаринки кайфият бағишлади. У болалиқидан гулларни яхши кўрар, шу сабабли эрта баҳордан то кеч қузғача мактаб ҳовлисида гул аримасди. Самандар энди хона-насиға кириб ўтирган эди ҳамки, котиба бир киши унинг хузурига киришга изн сўраётганини билдирди.

Эшиқдан кирган одамни Самандар дарров таниди, у Азиз бўлиб, бундан бир неча йил илгари унинг ўғли шу мактабда ўқиган эди. Ўғли 2-синфда ўқиётганида велосипеддан йиқилиб тушиб, қаттиқ жароҳат олган, жароҳати жиддий бўлиб, қаттиқ аянч қилган эди. Уша вақтларда Самандар бу ўқувчининг уйда ўқишини таъ-

минлаб, ҳаттоки унга соғлигини тиклаб олгунча бир неча йил ногиронлик нафақасини олишга ҳам ёрдам берганди. Кейинчалик Азизнинг ишлари юришиб, чет элларга қатнаётган, хусусий дўкон очиб, хорижий давлатлар лойиҳалари асосида мебель тайёрлаётган экан. Ўғлининг соғлиги тикланиб, у ҳам отасига ёрдамлашар экан. Азиз Самандарнинг қилган яхшиликларига жавобан унга миннатдорчилик сифатида ёрдам бермоқчи эканини айтиди ва мактабни таъмирлашни ўз зиммасига олишини билдирди. Бу гапдан Самандарнинг боши осмонга етди. Бир неча ойдан буён уни қийнаб келаяётган муаммо осонгина ҳал бўлган эди.

Азизни кузатиб қўйиб, қайтиб жойига ўтирар экан, ҳаёл уни ўтган йиллар сари етаклади...

Танлаган соҳаси педагог бўлишига қарамай Самандар тиббиёт соҳасида ҳам бир неча йил хизмат қилиб, болалар сихатгоҳида раҳбар лавозимида ишлади. У ўзининг жонқурлиги, одамлар билан тезда тил топишиб кетиши билан бошқалардан ажралаб турарди.

Маҳалладошлари уни қўйрада қўймай мактаб раҳбарлигига тавсия этишди, шунга ҳам 20 йил бўлибди. Мактаб биносининг эскилиги сабаб ҳар йили таъмирланса ҳам, йилнинг ярмига бормасданок яна таъмирталаб бўлиб қоларди. «Эскини тузатгунча эсинг кетади», деб шунга айтсалар керак-да! Самандар ишни жамоани йиғиб, маслаҳатлашни олишдан бошлади. Ўзига ишонадиган инсонларнинг борлигидан севинди. Ҳашар ёрдамида 100 кишига мўлжалланган мактаб ошхонасини қуришди. Мактаб ҳудудида кичкина иссиқхона барпо этишиб, кишин-ёзин турли қўчатлар етиштирдилар. Йил охирига келиб, синфхоналарнинг барчасини сифатли таъмирдан чиқариб, ишларини анча йўлга қўйиб олишди.

Бу дунёда ҳеч нарса исиз кетмас экан, қилган яхшиликнинг ўша одамдан қайтмаса, бошқадан қайтар экан. Самандар шуларни ўйлаб, ўз ишидан қониқиб ҳиссини туйди. Қачонлардир қилган яхшилиги эвазига яхшилик қайтаётгани унга чексиз қувонч бағишлади.

Гулчехра
КАРИМОВА

Дунёга келган ҳар бир инсон ўз ҳаёти давомида бир эмас, бир неча тўй кўриши мумкин: ақиқа тўйи, бешик тўйи, суннат тўйи, никоҳ тўйи, чаллар тўйи ва ҳоказо. Биз аслида ёзилган ва ёзилмаган қонуниятлар билан яшаймиз. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Шу тўйлар қайси қонунда ёзилган, уларни қилмаган инсоннинг жавобгарлиги борми? Аввало тўйлар нима учун қилинади?

Никоҳ тўйи! Баъзан биз шу бир тўй учун яшаётгандекмиз. Тўйни кечкурун 4 ёки 8 та карнай-сурнай, икки, ё тўртта ногора-чилдирма, яна катта бир тўйхонада 400-500 одам билан ўтказмасак ёки эрталаб наҳорда яна 300-600 одамга ош бермасак бизни кимдир жазолайдими?

Яна шу никоҳ тўйига қайталик, энг камида икки хонадонда 2-3 ой тўй машамаси, олди-бердилар, ким нимани қанчадан қилади, қанчадан беради, қанча одам тақлиф этилади, куёв томон қиз томонга неча киши бўлиб келади, қанча гуруч ош дамланади. Биласизми, тўй учун икки томондан камида 30 киши бош қотиради. Қуда томонлар шунчалик эҳтиёткорлик билан игна учидан тургандек, бир-бирини қолмаслик, обрўни кеткизмасликка ҳаракат қилишадими, уларни кимдир назорат қилаётгандек, икки томон ҳам ўта таранглашган ҳолда бўлишадими, лекин ҳаммасини ютиб туришадими, «шўрва кетса кетсин, обрў кетмасин» қабилида иш тутуладими?

Энг асосийси келин ва куёвлар ҳам ўта таранглашган ҳолда тўй кунига кириб келадилар. Айрим эркак ўсган келин куёвга лимузин ёки бошқа қора машиналар, тўйхоналар, кийинишлар каби қатор масалалар билан ҳатто ота-оналари билан бир эмас бир неча марта жиқиллашиб оладилар, айримлари бу соҳада камтаринлик қилсалар, ақсинча ота-оналари уларни менинг айтганим бўлади деб қийнайдилар. Қисқаси тўйгача келин-куёв анчагина асабийлашади.

Хўш, кечкурун никоҳгача лимузин, қора машиналар, сигналвозлигу, кўчалардаги тўс-тўполонлар, видеочининг машина эшигидан ташқарига ярим танасини чиқариб тасвирга олишлари, кўчаларда бошқаларга йўл бермай қилинадиган бемаза қилиқлар қайси қонунда ёзилган? Буни қарангки, Президентимизнинг тўй-ҳашамларни, турли маросимларни ихчамлаштириш ҳақидаги фармонидан сўнг тўйлар даб-дабаси бироз пасайган эди. Лекин яна никоҳдан кейинги ўйинлар, айлинишлар, шампанвозлиқ, ҳовли ёки йўллар олдида шовқин солиб кўпчиликнинг жигига тегиб тўйни давом эттириш керакмикан. Никоҳлардаги дабдабавозлик, меҳмоннавозлиқ, 5-6 хил оқватлар тортиб қудалар кўнглини олиш миллий қадриятларимиз, маданиятимизга доғ туширмайтими? Қулоқни қоматга солувчи мусикалар, ашулалар, ўртада эрталабки гимнастикани эслатувчи ликил-

Мулоҳаза

ТўЙЛАРИМИЗ ҲАҚИДА ЎЙЛАРИМИЗ



лаб турган ёшлар, шовқин-сурон, тартибсизлик, ўртақашлар томонидан пул йиғиш мақсадида қилинадиган «оталар», «оналар», «торт кесиш» каби тўйларимизга ярашмайдиган қилиқлар, «келин-куёв вальслари» шарқона ода-тимизга хосми?! Нима учун ўртақашнинг қулоғини тўйдан олдин бураб қўймаймиз? Хонандалар тўй эгасидан ва яна ўтирган меҳмонлардан пул йиғиш ниятида келганми...Яқинда водийда бир тўйни гапириб беришди. Яхши хонандалар қатнашган тўйда тушган пулларни тўй эгасига, келин-куёвларга беришар экан. Кўп тўйларда хонандалар шатадида пул йиғувчилар бор. Юзи қалин бу ёш йигитлар гўё тиламчидай қўлингиздаги пулларни тортиб ҳам оладилар.

Баъзан шундай бўладики, худди тўйга ароқ ичиш, оқват егани келгандекмиз, на ашулани эшитамиз, на мусиқани. 4-5 соатда бу тўс-тўполон туғайди. Энг ёмони шундай тўполонда бир неча соат ўтирган келин-куёв та-момила меъёрий руҳий ҳолатини йўқотади, стрессга тушади.

Ҳақли савол туғилади. Нима учун тўйларимиз бу қадар «ким ўзгарга» ўтказилмапти?.. Маҳаллада тўй маросимлари комиссиялари қаерга қарапти,

уларнинг ишларини самарали деб бўладими? Сабаби оддий. Ўз маҳаллам бўйича айта қолай. Бизда ҳам шундай комиссия бор, авваллари унинг ишлари яхши эди. Эндичи, жуда қониқарли эмас, лекин мен уларни айбла-майман. 3-4 йиллар илгари маҳаллада 250 кишига мўлжалланган идиш-товоқлар, қозон, самоварлар ва бошқа жи-хозлар бор эди. Одамлар тўйга навбатга ёзилиб шулардан фойдаланишар эди. Энди тўйга 3-4 кун қолганда «фалон ерда, фалон тўйхонада тўй қилая-ман, бирга боришлар» деб маҳаллага таклифнома беришадими, шунда билиб қоламиз, тўй кимникида, қаерда бўла-япти. Тўғри, кўча боши, бошқа фаол-лар бор, лекин улар ҳам билишмай қолади. Шунинг учун тўй эгаларига тўйни ихчам қилиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик ҳақида тушунча бериш қийин бўлиб қолмоқда. Лекин шунга қарамай маҳаллада тўйларни ихчам-лаштириш, қуда ошига 50-60 кишидан ортиқ одам олиб бормаслик, тўй соати ҳақида насаҳатлар қилинади. Қуда ча-қириқлар, чалларни ихчам ўтказиш ёки умуман ўтказмаслик бўйича қарорлари-миз бор. 70 фоизга яқин тўйларда бунга эришганмиз, лекин ҳали нуқсонлар кўп.

Яна бир нарсани очиб айтиш керак, айрим дабдабалар билан ўтаётган тўйлар салоҳияти яхши бўлмапти. 1-2 йилдан сўнг оилавий келишмовчиликларнинг гувоҳи бўлаёلمиз. Исрофгарчиликлар, қудаларнинг кеккайишлари, мен сендан кам эмасман каби ҳолатда бўлишлари яхши натижа бермапти. Бизнинг энг катта камчилигимиз келин-куёвларнинг ҳаётга жиддий қарамаёт-ганлиги, очигини айтсак, оилаларнинг бир бирига мос эмаслиги ҳам роль ўйнамоқда, ёш қайноқларнинг манман-сираши, ўзини кўрсатиб мактамини охиб бормоқда.

Тўйдан кейинги келин саломларни меъёрига солишининг ҳам вақти келди. Бу тadbир авваллари келин болага куёвнинг бир-икки қариндошларни та-ништириш мақсадида қилинган бўлса, энди кўни-қўшни, қариндош-уруғ ёки биродарларни шилиб олиш учун ўтқа-зилаётганга ўхшайди. Саломга алик ол-ган ҳам, салом қилган ҳам совға ула-шади. Бунинг нима кераги бор, бу кўр-қўрона мактанчоқликка айланиб қолди. Бу тadbир авваллари 10-15 дақиқа да-вом этса, ҳозирда соатлаб катта тўй шаклида, шунга мослашган созандалар иштирокида ўтказилмоқда. Кечаги тўйдаги ўша баланд мусиқа, қўшиқлар яна келин бола асабини ейди. Кун бўйи меҳмондорчилик...

Ҳозирда ҳамма тўй маросимларини ихчамлаштириш, қуда томонларга енгиллик яратиш йўлларини топиш дар-кор. Бунинг учун маҳалла ва икки то-мон ўтириб, масалани бошқаларни ара-лаштирмай ҳал қилиши зарур.

Биз тўй қилаётган саҳийларга, пули-ни тўйларда сочаётган енгил пултопар-ларга даво топишга пули етмаётган ка-салмандларга, кам таъминланган, ноги-рон боласи бор оилаларга ёрдам бер-ганининг маъмулроқмикан, демокчимиз. Буни хоҳламасангиз шу ортиқча кетган пулларни болангизни тузукроқ ўқитиш-га, чет тилларни ўрганишга сарфланг.

Маҳаллада кўп тўйларда тўйхона ат-рофида машиналарнинг қўлиги яшов-чиларга, йўловчиларга, автобусларга ноқулайлик пайдо қилинмоқда, айрим маданиятсиз ҳайдовчилар машиналари-ни истаган жойга қўйиб кетаверадилар. Бу ҳақда нега ўйламаймиз, бу ҳолни тартибга солиш лозим бўлади, керак бўлса тўйхоналар олдида машиналар сақлаш жойлари ташкил қилиш керак.

Шунингдек, тўй ошига айниқса қуда томондан борувчилар сонини чеклаш ло-зим.

Азизлар, тўйларимиз ҳақида чуқур-роқ мулоҳаза қилайлик, ўзимизни ҳам, бошқаларни ҳам қийнамайлик, шаъни-мизга доғ туширмайлик, шарқона урф-одатларимизни меъёридан оширмай-лик. Сиз бунга нима дейсиз? Мухта-рам газетхон!

Эркин ТУРСУНОВ,
«Оқтепа» маҳалласи оқсоқоли

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Президентимиз Ислам Каримов томонидан Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўша мажлисидаги мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига бағишланган маърузасида экологияга оид қонунчиликни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгашида бўлиб ўтган анжуман давлатимиз раҳбарининг маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросига бағишланди. Унда депутатлар, тегишли вазирлик, идора, ташкилот ва нодавлат тузилмалар мутахассислари, олимлар ва журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон экологик ҳаракати марказий кенгаши иж-роия қўмитаси раиси Б.Алихонов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида минтақамизда экологик барқарорликни таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг табиий муво-занатга салбий таъсирини камайтириш, атроф-муҳит ва табиат мусофоллигини келажақ авлодлар учун асраб-авай-лаш бўйича юртилиётган оқилона сиёсат ўзини юксак самараларини бераётганини таъкидлади. Мамлакатимиз-да экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, ҳайвонот ва наботот олами-ни сақлаш борасида изчил чоралар кўриломоқда.

Бу жараёнда Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сай-ланган депутатлар ҳам фаол иштирок этиб, қабул қили-наётган қонунларда атроф-муҳит ва экологияга зарар ети-ши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олишга ҳисса қўшмоқда. Президентимиз томонидан илгари сурилган концепцияда белгиланган вазифалар ижросини таъмин-лаш Экоҳаракатга ҳам алоҳида масъулият юклайди. Эко-логик муаммолар ечимини топиш, атроф-муҳитни химоя қилишни таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг ҳуқуқий асосларини яратиш, уларнинг табиатни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги тadbирларда фаол ишти-рокини таъминлаш бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга.

Анжуманда давлатимиз раҳбарининг маърузасида бел-гилаб берилган устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича Экоҳаракатнинг ҳаракат дастури ижроси кўриб чи-қилди. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳуж-жатларига киритилган ўзгаришлар ва экологик назорат-нинг меъёрий асосларига оид маърузалар тингланди.

Баҳор ХИДИРОВА,
Ўза муҳбири

Қарор ва ижро

АРХИВ СОҲАСИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Республикамизда қозони

тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар архив соҳасида ҳам самарали кечмоқда.

Албатта, архив хизмати бевосита ҳужжатлардан иборат бўлгани боис қозғосиз тасаввур қилиш муш-кул. Шундай бўлсада, мутахассислар ушбу соҳа хиз-матини янада такомиллаштириш ва яхшилаш мақса-дида Миллий архив фонди ҳужжатларининг давлат ҳисобини юритиш ва қидирув тизимини ташкил этиш-да, шунингдек фуқаролар мурожаатлари бўйича ав-томатлаштирилган тизимни яратиш, бевосита иш жа-раёнларида замонавий компьютер ва ахборот-техно-логияларидан изчил ва фаол фойдаланишни амали-ётга тўлиқ татбиқ этмоқда.

Тошкент шаҳар Архив иши бошқармаси ва унинг таркибидаги муассасалар ўртасида ҳам компьютер-лаштирилган локал тармоқ жорий этилди. Яқин ора-да эса республика архив муассасаларининг корпо-ратив алоқа тармоғи ишга тушади.

Архив муассасаларида ҳужжатларнинг электрон су-гурта ва фойдаланиш фондлари яратилиб, бу архив ҳужжатларига қайта-қайта мурожаат қилиш оқибати-да етказиладиган жисмоний зарарларнинг олдини олиш бораборида тadbирчиликлар ҳам қўйилиб яра-тади. Электрон архивлар айна ушбу фондлар асо-сида вуҷудга келмоқда. «Ўзбекистон архивлари» пор-талида иш юритиш ва архив ишлари бўйича интер-фаол хизматлар ҳам йўлга қўйилган. Архивда сақла-наётган ҳужжатларнинг санаси ва микдори, мазмуни тўғрисидаги маълумотлар базаси мунтазам тўлди-рилиб, фойдаланувчилар учун тақдим этилмоқда.

Шуни ҳам айтиш жоизки, «Узархив» агентлиги то-монидан республика микёсидаги муассасалар раҳ-барлари иштирокида ўтказиб келинаётган йиғилиш-лар «East Telecom» МЧЖ билан ҳамкорликда видео-мулоқот конференция шаклида ташкил этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, аслида вилоятлардан ташриф бу-юриши лозим бўлган мутахассисларнинг сафар ха-ражатларини тежаш, иш вақтидан унумли фойдала-ниш, янги маълумотларни олиш ва топшириклари тезкорлик билан бажаришга кенг шaroитлар ярат-моқда. Интернет кўмагидаги видеомулоқотлар шунин-гдек қозғос расмиятчиликларига барҳам берилишига хизмат қилмоқда.

Архив соҳасида қозғос ишларини янада тартибга солиш борасидаги инновацион гоғлар пойтахтимиз-даги шахсий таркиб ҳужжатлари архивлари, нодав-лат ва идоравий архивларга жорий этилиши ҳам қу-тилмоқда. Келгусида, шубҳасиз, электрон ҳужжат ай-ланиши ва электрон имзолар тўғрисидаги ҳукумат қарорлари архив ишининг асосий ўзагига айланиб қолади.

Алижон МАҲКАМОВ,
Тошкент шаҳар Архив иши бошқармаси
бошлиғи в.б.

Кўргазмалар

ЁШ САЊАТСЕВАРЛАРНИНГ
ИЖОД НАМУНАЛАРИ

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида очилган «Янги йил эртақлари» болалар кўргазмаси ёш санъатсеварларнинг ижод намуналаридан ташкил топган бўлиб, барчанинг диққатини ўзига тортмоқда.



Айтиш жоизки, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси фаолиятининг йўналишларидан бири — болаларга бағишланган турли тадбирларни ўтказишдан иборат. Болажонларнинг қишки таътилига бағишланган ушбу кўргазма шулар жумласидан бўлиб, у аънавий равишда ўтказиб келинмоқда.

— Бу каби кўргазмаларни ўтказишдан мақсад, болаларда ижодга бўлган интилиш ва изланишларини кўллаб-қувватлашдир, — дейди санъатшунос Камола Оқилова. — Маълумки, санъат бола онгида юксак маънавиятни шакллантиришда аҳамиятли воситалардан биридир. Шунингдек, тасвирий санъат боланинг фикрлаш доирасини кенгайтириб, тасаввур оламини бойитиши. Болалар яратган асарлар ҳамма самимийлиги ва энгиллиги билан томошабинлар диққатини ўзига торттиб келади. Бунинг сабаби эса катталар учун кўп ҳолатларда унут бўлган оддийлик ва борлиқнинг унинг борича қабул қила олишидир. Бу эса ҳар бир боланинг ҳеч кимга ўхшамас алоҳида шахс бўлиб шаклланишига сабаб бўлади. Уйлаймики, ўтказилаётган бу каби кўргазмалар болаларнинг кейинги ижоди учун рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Тадбирда Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси, «Коллибри» ва Ёшлар ижод саройи студияларида таълим олаётган болалар ижод намуналари кўргазмаси, «Коллибри» арт-студияси томонидан ташкил қилинган концерт дастури ва болалар ли-

бослари намойиши йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, тадбир доирасида болалар учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Дамир Рўзибоевнинг маҳорат дарслари ёш санъат ихлосмандларида унутилмас таассурот қолдирди.

Гулнора ҲАМИДОВА
СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа
Алексей Попов олган сурат

Пойтахтдаги «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида жисмонан имконияти чекланган болалар томонидан яратилган ижодий асарларнинг 10-юбилей хайрия кўргазмаси бўлиб ўтди.

ИҚТИДОРЛИЛАР
КЎРИГИ

Ярмаркада жисмонан имконияти чекланган болалар билан ишлайдиган 20 дан ортиқ ташкилотлар, жумладан, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб ва интернатлар, жамоат ташкилотлари қатнашди. Кўргазмада расмлар, от-криткалар, ўйинчоқ, зардўзлик каби 1000 дан зиёд буюмлар намойиш этилди.

Мамлакатимизда бадиий таълимни изчил ривожлантириш, тасвирий санъатга ихтисослашган мактаблар, коллеж ва лицейлар, болалар бадиий ижодиёти марказларининг барпо этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўғил-қизларнинг маънавиятини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон тасвирий санъати намуналаридан баҳраманд бўлишига имкон яратмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ жисмоний имконияти чекланган ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларга тиббий, маънавий ва моддий кўмак кўрсатишни янада такомиллаштириш, ижтимоий-психологик реабилитация қилиш, жамиятимизга интеграциялашувини таъминлаш, ижодий изланишларини рағбатлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мақсуд кўргазмани ўтказишдан кўзланган мақсад ҳам жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг иқтидорини юзга чиқариш, уларнинг ташаббус ва изланишларини рағбатлантириш кабилардан иборат. Кўргазма доирасида иқтидорли ёшларнинг турли хилдаги расмлари, қўл меҳнати асосида яратилган миллий ўйинчоқлари, Бужоро, Самарқанд, Фарғона ва Қарши шаҳарларига хос бўлган зардўзлик буюмлари барчада катта қизиқиш уйғотди.

Азима ҚИЁСОВА,
«Туркистон-пресс»

МАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ОДОБ, ТАРБИЯ, КАМТАРЛИК,
КАТТАЛАРГА ҲУРМАТ-ИЗЗАТ
ВА КИЧИКЛАРГА
МЕҲРИБОНЧИЛИК ҲАҚИДА

Бир кун туз ичган жойингга
Қирқ кун салом қил!

Болани ёшдан асра,
Ниҳолни бошдан асра!

Буюрса — бола,
Буюрмаса — бало.

Бўсагадан тойилсанг, тўрга ўтма!

Ёшдан хато, каттадан узр.

Ёш келса — ишга,
Қари келса — ошга.

Ёшнинг ҳурмати — қарз,
Қарининг ҳурмати — фарз.

Камтарга — камол,
Манманга — завол.

Камтарлик — киши безаги.

Камтарлик ҳам бир хислат.

Камтарлик ҳам — ҳусн.

Каттага ҳурматда бўл,
Кичикка иззатда бўл!

Каттани катта бил,
Кичикни — кичик.

Кичикларнинг каттаси бўлгунча,
Катталарнинг кичиги бўл!

Кишининг ҳурмати ўзининг қўлида.

Мақтов ухлатар, танқид уйғотар.

Мулла борида тилингни тий,
Уста борида — қўлингни!

Номусни ёшлиқдан сақла!

Номуссиз юрмоқдан
Номусли ўлмоқ афзал.

Одоб бозорда сотилмас.

Одоб кишининг зебу зийнати.

Одобли бола элга манзур.

Одобни беодобдан ўрган.

Ориятсиз одамдан қоч!

Ошни катта ошасанг ҳам,
Гапни катта гапирма!

Оғзинг билан юрма,
Оёгинг билан юр!

(Давоми бор)

Биласизми?

ҚЎЛ ҲОЛАТИ ВА
КАСАЛЛИКЛАРНИНГ БЕЛГИЛАРИ

Қўл...У неъматларни яратувчи муҳим орган. Қўлларнинг ҳолатига қараб унинг соғлиғи, ички ва ташқи ҳолатларни белгилловчи муҳим омиллигини қўлчилик билмас керак.

Қўришганда қўлларнинг терлаши шахснинг ҳиссийга берилиб кетишининг белгиси экан.

Қўришганда совуқ қўллар, кафтнинг намлиги томир касалликлари вегетатив асаб тизимининг ишдан чиққанининг белгисидир.

Қўришганда бармоқлар совуқ бўлиб, тирноқлар хаворанг бўлса, қон айланиши тизимининг хасталиғи, юрак фаолиятининг ҳам бузилаётганидан белги экан.

Кафта тўқ сарғиш рангнинг пайдо бўлиши — ичак касаллигининг бошланишини билдиради.

Қариялар қўлларидан қорамтир белгиларнинг пайдо бўлиши тери таркибидан меланин моддасининг етишмаслигидан экан.

Қўришганда қайноқ, қуруқ кафт ўпка касалликлари: сил касаллигининг бошланишидан далолатдир.

Қўл бармоқларининг сарғиш кўриниши буйракостни ўт пуфағи фаолиятининг бузилгани ҳақида билдиради.

Кафтнинг сабзи рангида кўриниши жигар касаллигининг айнан белгисидир.

Қуруқ тирсак териси организмда А ва Е витаминларининг етишмаслигидан далолатдир.

Қўлларда ўз-ўзидан хаворанг белгиларнинг пайдо бўлиши қон томирлари деворларининг ишдан чиққа ва РР витаминининг етишмаслигидан далолатдир.

Инсон организмдаги бармоқларнинг вақти-вақти билан шишиб кетиши полиартрит касалликлари, модда алмасuvi тизимининг бузилаётганининг белгиси экан.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ
тайёрлади

«DONISHMAND MASLAXAT O'QUV MARKAZI» хусусий корхонаси
«DONISHMAND MASLAXAT O'QUV MARKAZI» нодавлат таълим муассасасига ўзгартирилади. Тел: +99897 484-16-10.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси»
ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 11.08.2010 йилдаги №ЖСК 1-164/10-сонли ижро ҳужжати асосан Учтепа тумани, Шодлик кўчасида жойлашган, умумий майдони 352 кв.м. бўлган, 24-уй қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 297 629 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 15 февраль кuni соат 11.00да бўлиб ўтади.

Шунингдек 2011 йил 27 январь кuni соат 11.00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Яққасарой тумани СИБ томонидан такроран, ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 11.12.2008 йилдаги №2-70, 2907 ижро ҳужжатларига асосан УК «Газчитранс» корхонасида сақланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «VOLVO FH 12» русумли, д/р 18S0002 бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 24 430 154,68 сўм ва унинг «Trailors 383FL1A» русумли, д/р 18C210 бўлган, 1991 йилда и/ч тиркамаси. Бошланғич баҳоси — 21 335 982,70 сўм. 2. «VOLVO FH 12» русумли, д/р 18N0471 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 23 087 045,81 сўм ва унинг «Fruehauf» русумли, д/р 18C320 бўлган, 1991 йилда и/ч тиркамаси. Бошланғич баҳоси — 21 232 425,35 сўм. 3. «Fruehauf» русумли, д/р 10G059 бўлган, 1990 йилда и/ч тиркамаси. Бошланғич баҳоси — 20 132 204,69 сўм. 4. «Камаз 5320» русумли, д/р 18AE862 бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 9 410 508,15 сўм. 5. «Камаз 53212» русумли, д/р ва и/ч номаълум бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 927 254,07 сўм. 6. «Камаз 53212» русумли, д/р 18S7789 бўлган, 1985 йилда и/ч, «Шаркли мелиса» МЧЖга қарашли (Мўйноқ) жарима майдончасида сақланаётган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 6 805 924,03 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимнинг вакили иштирокида давосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон Ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850.

Шунингдек, Олмазор тумани СИБ томонидан тақдим қилинган «Тошкент оқшом» газетасининг 22.12.2010 йилдаги 244-сон ва «Солиқ ва Божхона» газетасининг 23.12.2010 йилдаги 51-сонидан чоп этилган хабарномалар билан «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖнинг аукцион савдоларида аукцион савдосига чиқарилган, Бектемир тумани, Олтинтопан кўчаси, 22-уй манзилида жойлашган, «Кимёреактив» МЧЖга тегишли, умумий майдони 1047 кв.м. бўлган жами бўлиб 9 та бинадан иборат кўчмас мулк аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қиламиз. **Савдодан олишга асос:** Олмазор тумани СИБнинг 05.08.2010 йилдаги 12156/24-сонли хати. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
4828 нусxada босилади.
Қотоз биринчи А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефони мурожаат қилишигиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбос ақшадорлик компанияси
басмаохонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

123